

2020

FEATURES OF ASPECTS OF INFORMATION EXCHANGE

Donoxon Kalandarova

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, d.qalandarova@iiu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Philosophy of Science Commons](#), and the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

Recommended Citation

Kalandarova, Donoxon (2020) "FEATURES OF ASPECTS OF INFORMATION EXCHANGE," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 29.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss1/29>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Dono KALANDAROVA,
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
 UZBEKISTAN*
*teacher of the department «UNESCO Chair on
 Religious Studies and the Comparative Study of
 World Religions»*
e-mail: d.qalandarova@iiu.uz
A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

АХБОРОТ УЛАШИШ ЖИХАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ АСПЕКТОВ ОБМЕНА ИНФОРМАЦИЕЙ

FEATURES OF ASPECTS OF INFORMATION EXCHANGE

Таянч сўзлар: *ахборотлашган жамият, виртуаллашув, инсон, шахс, ахборот, ахборот турлари, иммунитет, назария.*

Ключевые слова: *информационное общество, виртуализация, личность, человек, мышление, сознание, информация, виды информации, способность, иммунитет, теория.*

Key words: *information society, personality, human, visualization, kinetics, ability, immunity.*

Ўзбекистонда ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, замонавий билимларни ўзлаштириш, илғор ахборот коммуникация технологияларини эгаллаш, сифатли таълим олиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

XXI аср ахборотлашган жамиятда ахборот ресурслари инсонлар учун нафақат техник ва иктисодий соҳалардаги фаолиятни амалга ошириш воситаси, балки барча ёш ва тоифадаги шахсларнинг ҳаётидаги эҳтиёжлар пирамидасининг асоси сифатида мустаҳкам ўрнига эга бўлди, дейилса муболаға бўлмайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур. Олдимизга қўйган юксак мақсад ва режаларимизни реал натижага айлантириш учун ҳаммамиз бор куч ва билимимизни аямасдан, фи-

докорона ва виждонан меҳнат қилишимиз, ташаббус кўрсатиб ишлашимиз зарур (Ш.М.Мирзиёевнинг мустақилликнинг 26 йиллигига бағишланган нутқи)”, дея таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.

“Ахборотлашган жамият”, деб ном олган жамият риволаниш босқичларига назар солинса, аввало ғоя ва унинг манипулятив хусусиятлари бирламчи ўринни эгаллайди. Ахборотлашган жамият ғоясини ривожланиш эволюцияси асосан тўрт босқичда амалга ошган.

Биринчи босқич 1940–1950 йилларни қамраб олиб, ғоянинг вужудга келиш босқичи, деб номланиб, ахборот ва у билан боғлиқ масалаларга оид илмий тадқиқотларнинг вужудга келишида намоён бўлган.

Иккинчи босқич, “ғоя культивацияси” деб номланиб, ахборотлашган жамиятга доир концепцияларнинг шаклланишида ўз аксини топган.

Учинчи босқич 1960–1970 йиллар мобайнида амалга ошиб, “ғоя утилизацияси” деб аталади ва ахборотлашувнинг мегатендециялари кечган давр сифатида эътироф этилади.

Тўртинчи босқич “ғоянинг ижтимоийлашуви” деб аталиб, жамиятнинг асосий қисмини ахборот орқали идентификацион жараёнда ва унинг интернет орқали амалга ошишида ўз ифодасини топади (А.В.Соколов, 2011, с. 335-336.).

Айнан интернетдаги маълумот улашишининг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу ижтимоий тармоқлардаги ахборот ва унинг инсон онгига таъсири билан чамбарчас боғлиқлиги билан кузатилмоқда. Хусусан, экологик муаммолар, ғоявий таҳдидлар, этник ва ҳудудий муаммоларнинг келтириб чиқарувчи омиллар қаторига ижтимоий тармоқлар муҳим ўрин эгаллаётгани далил бўла олади. Бу масалаларнинг ечими, кибермакон ва виртуаллашув билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли, барча ижтимоий фанлараро ёндошувни талаб қилади. Яъни, илмий холислик, тарихий-фалсафий таҳлил, киёсий ва муаммовий таҳлил, социологик таҳлил, контент таҳлил, тизимли таҳлил ва шу каби назарий-методологик усулларида фойдаланиш объектив хулоса ва натижага эришиш мумкин. Шу нуктаи назардан ахборотлашган жамият ва ахборот билан боғлиқ мавзулар тадқиқининг умумий методологик асосини уч йўналиш, фалсафий-назарий, социологик ва психологик нуктаи назаридан тадқиқ қилиш самарали натижа беради.

Зеро, ахборотлашган жамият, асосларидан бири, ахборот масаласи постиндустриал жамиятнинг давоми сифатида намоён бўлиб, унга эгалик қилиш, муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Мақолада ахборотлашган жамият ғояси, ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилган. Шунингдек, ахборотлашган жамиятнинг асосий феноменларидан бири бўлган “ахборот”нинг мазмун-моҳияти, тури, кўринишлари, асосий вазифалари ҳамда ахборот улашашнинг ўзига хос хусусиятларининг назарий асосларига оид бир қатор илмий қарашлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ахборот улашаш аспектларига доир Ғарб ва Россия тадқиқотчиларининг илмий хулосалари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ахборотнинг жамият онгига таъсири ва идентификацион хусусиятлари ёритиб берилган.

Ахборот улашиш воситалари ва уларнинг турларига доир техник ва ғоявий тамойилларини қамраб олувчи муаллифлик таснифи келтирилган. Назарий асосларни амалий исботи сифатида ёшларнинг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси социологик сўровнома натижалари асосида ёритилиб, асосий мурожаат қилинаётган контент мавзулар таҳлили келтирилган. Мақолада ахборотлашган жамиятда ёшларнинг ахборот истеъмоли маданиятини шакллантиришга доир хулоса ва таклифлар келтирилган.

Данная статья посвящена идеям, этапам и развитию информационного общества. Анализируется и аргументируется ряд научных взглядов, касающихся теоретических основ содержания, типов, видов, основных функций и особенностей обмена информацией, который является одной из составных частей информационного общества. А также, приводятся научные взгляды и выводы западных и российских исследователей сферы информационной безопасности. Статья выдвигает идеи о влиянии информации на общественное сознание и формирование личностной идентификации.

Приведена авторская классификация средств информационных ресурсов с технической и идеологической точки зрения. В качестве практического доказательства теоретической основы в статье приводятся статистические данные объема использования информационных и коммуникационных технологий молодежью, полученные в результате социологического опроса. Приведены выводы и предложения, касающиеся формирования культуры потребления информации молодежью в информационном обществе.

This article is dedicated to the ideas, stages, and development of an informed society. Several scientific views and theoretical foundations of the contents, types, basic functions and features of the exchange of information, which is one of the main parts of the information society, are analyzed and argued. And also, the scientific views and conclusions of Western and Russian researchers in the field of information security are presented. The article puts forward the ideas of the influence of information on public consciousness and the formation of personal identity.

The author classifies the means of information resources from a technical and ideological point of view. As a practical proof of the theoretical basis, the article provides statistical data on the use of information and communication technologies by young people as a result of a sociological survey. Conclusions and suggestions regarding the formation of a culture of information consumption by young people in the information society are presented.

Чунки, глобаллашув даврида кимки ахборотга эгаллик қилса, дунёга ҳукмронлик қилади, – деган фикр бирламчи ўринга чиқади. Бу жараёнда интернет глобал ахборот тармоғининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

“Ахборот” бу бирор бир предмет ёки объектнинг таркибий жиҳатлари, кўринишлари ва ўзига хос хусусиятларига доир маълумотлар йиғиндиси ҳисобланади (М.В.Харитонов, 2010,с.27). Ахборотлашган жамиятда айнан ахборот, онг индустриаллашувининг асосий мезони бўлгани сабабли, унинг турлари ва ўзига хос хусусиятлари таснифни асосий масалалар қаторидан жой олади. Чунки, ахборот тузилиши, турлари ҳамда контент жиҳатдан турли кўринишларда акс этади ва таъсир доираси ҳам турфаликни ҳосил қилади. Масалан, тадқиқотчи олим И.Гальперин фикрича ахборотнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд (М.В.Харитонов, 2010, с.35-38).

Биринчиси, “фактуал ахборот” бўлиб, асосий “Ким”?, “Нима”?, “Қачон”?, “Қаерда”?, каби саволларга жавобларни қамраб олади. Бу ахборот асосан жамиятнинг эътиборини тортиш учун кенг қўлланилади.

Иккинчиси, “матн ости” ахборот тури бўлиб, муаллиф бирор бир ахборотни олиб матн тагидан воқеликка доир шахсий хулоса ва муносабатини беради. Бундай ахборот тури коммуникаторга индивидуал хулоса чиқариш имкониятини чеклайди.

Учинчи кўриниши, “концептуал ахборот”, деб номланиб, бу ахборот муаллифнинг ижтимоий тизимга доир қарашлари ва таҳлилий хулосаларини қамраб олади. Айнан концептуал ахборот тури жамият онги ва манипулятив функцияларни амалга оширишда кенг қўлланилади. Яъни, ахборотни объектив етказиш эмас, балки бирор мақсад ва ғояни илгари сурувчи махсус режага йўналтирилган хулосаларни сингдиришга қаратилган бўлади.

Айнан шу турдаги ахборотларни таҳлил қилишда, интернет тармоғида инсонлар ўртасида ахборот алмашиш, мулоқот қилиш функциясини бажараётган турли технологияларни аниқлаш, уларнинг ижобий ҳамда салбий таъсирини баҳолаш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун, аввало, бундай технологияларни таснифлаш, моҳиятан қўлланишига қараб таъсир ва гуруҳларга ажратиш ва идентиклик контурини аниқлаш бирламчи ўрини эгаллайди. Зеро, мавжуд интернет-технология-

ларни таснифлаш улардан оммавий фойдаланиш натижасида юзага келаётган оқибатларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Бугунги кунга келиб, интернет-технологиялар инсоният ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олган бўлсада, улар асосан ахборот соҳасида кўпроқ ўз аксини топмоқда. Шу сабабли, ахборот технологияларининг асосий хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади.

Хусусан, жамиятда ахборот ресурсларини ривожлантириш;

- ахборот жараёнларни мақбуллаштириш;
- инсонлар ўртасида ахборотларни етказиш ва уларга ахборотлар орқали таъсир кўрсатиш;

- жамиятнинг интеллектуал ривожланишини тезлаштириш;

- жамиятнинг барча соҳаларига таъсир этиш каби хусусиятлар мисол бўла олади.

Ахборотлашган жамият предмети бўлган, “кибермакон”нинг асоси бўлган интернет-технологиялар эса ўз навбатида ўзаро алоқадор учта мураккаб тизимни, яъни техник (физик), мантикий-таркибий ва ғоявий тузилмаларни ўзида бирлаштиради.

Ахборотлашган жамият мавзусига доир тадқиқотлардан, мавжуд интернет-технологияларнинг классификацияси ва тартиби етарли даражада таснифланмаган эканлиги, ижтимоий тармоқнинг функционал жиҳатларига асосий эътибор қаратилганлиги, ахборот ва унинг таъсири, коммуникатив хусусиятлари нуқтаи назардан ёндошув муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, тадқиқотчи И.А Казанская илмий ишида ижтимоий тармоқ ва ахборотнинг функцияларини таснифига қуйидаги 5 йўналишни келтиради;

- коммуникатив;
- репрезентатив;
- конструктив (қайта тузувчилик);
- релаксацион (реабилитацион) (И.А. Казанская, 2011).

Социологик ёндошув нуқтаи назаридан ижтимоий тармоқлар икки турга бўлиниб, биринчисига фойдаланиш имконини берувчи ижтимоий тармоқлар. Иккинчисига, корпоратив шаклдаги ижтимоий тармоқлар киради. Эркин фойдаланиш имконини берувчи ижтимоий тармоқларга:

1. махсуллаштирилмаган тармоқлар (ҳар қандай фойдаланувчилар учун);

2. профессионал амалиётчилар учун мўлжалланган тармоқлар;

Корпоратив шаклдаги ижтимоий тармоқларга

1. Ижтимоий қайдномалар (social bookmarking);
2. Ижтимоий каталоглар (social cataloging);

3. Ижтимоий кутубхоналар;

4. Кўп фойдаланувчи тармоқ ўйинлари (Massively Multiplayer

5. Online Games)

6. Тезкор хабарларни алмашиш тизимлари (IM — Instant messaging);

7. Интернет чатлар (IRC — Internet Relay Chat);

8. Интернет-форумларни киритиш мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий, маданий, сиёсий ва диний мазмундаги ахборотни кибермакондаги ташвиқотида қўлланиш имконияти мавжуд бўлган интернет-технологиялар қуйидагича таснифлаш мумкин:

I. Фойдаланишдан олдин рўйхатдан ўтиш талаб қилмайдиган интернет-технологиялар	
Янгиликлар тарқатувчи интернет-технологиялар:	
Махсус:	
Давлат (ҳукумат)га қаршли (gov.uz , prezident.uz); Соҳалар бўйича (mfer.uz , mineconom.uz); Тижорат мақсадида ташкил қилинган (ng.ru , olam.uz); Идораларга оид (uzinfoinvest.uz , customs.uz); Қидирув тизимлари (google.com , yandex.ru)	
Мультимедия маҳсулотларини тарқатувчи интернет-технологиялар:	
Видео маҳсулотларини тарқатувчи (YouTube.com , porntube.com); Аудио маҳсулотларини тарқатувчи (mp3.com , oqayiq.com); Расмлар тарқатувчи (topface.com , pictures.com);	
II. фойдаланишдан олдин рўйхатдан ўтишни талаб этиладиган интернет-технологиялар:	
Ижтимоий тармоқлар (odnoklassniki.ru , facebook.com); Электрон почталар (mail.ru , rambler.ru); Мобил мессенжерлар (WhatsApp, Telegram, Viber);	
Интернет (онлайн) дўконлар:	
Компьютердан фойдаланувчилар учун (microsoft.com , softkey.ru); 3	Телефон ва бошқа шу каби қурилмалардан фойдаланувчилар учун (Play Market , Ovi Market , App Store).

Юқорида келтирилган таснифда, асосан ҳозирги кунда ахборот ташвиқотида фойдаланилаётган ва қўлланиши мумкин бўлган интернет-технологиялар кўриб чиқилганлиги туфайли, барча мавжуд интернет-технологияларни қамраб олмайди. Шунингдек, бугунги кунда ахборот технологияларнинг жадал ривожланиши ҳисобига, мазкур тасниф ўзгариб туриши мумкин.

Россиялик олим О.Н. Пируший эса, ўз тадқиқотида ижтимоий тармоқларнинг таснифига эмас, балки ҳозирги кунда кўп қўлланилаётган ахборот улашишининг айрим жиҳатларига аҳамият бериб,

қуйидаги мисолларни келтиради.

Ахборот улашишнинг “тарихдан олиш” усули, воқеликга нисбатан ноҳолис тўқималар билан тақдим қилинади.

Кейинги тури “муаммони соддалаштириш”, номланиб, манипуляция объекти бўлган коммуникакторлар, ахборотни ўз билим ва кўникмаларидан, дахлдорлик хиссисиз қабул қилинишига варадилган бўлади.

Ахборотнинг “қисмлар” кўринишида етказилиши манипуляция объектига содир бўлган ҳодиса қисқа маълумотлар орқали тақдим этилиб, ҳолис хулоса чиқаришга йўл қўйилмасликга йўналтирилган бўлади.

Шунингдек, “танловсиз танлов” турида, манипуляторни қониқтирувчи барча вариантлар берилди ва белгиланган мақсад мазкур вариантлар ичида амалга оширилади. (О.Н. Пируший, 2019).

Шу нуқтаи назардан, ғарб олими Уинн Швартоу “Ахборотлашган жамият, ахборотга асосланганлиги сабабли, эртами, кечми, ҳар ким ахборот хуружининг қурбонига айланади” деб таъкидлагани ҳам бежис эмас. (W. Schwartau, 1997, p. 49).

Ғарб олимлари томонидан инсон онгининг трансформацион хусусиятларини шакллантирувчи омиллардан бири, салбий ахборот сифатида намоён бўлувчи жиҳати “Ахборот уруши” атамаси билан номланмоқда. Ушбу атама илк бор 1967 йилда ишлатила бошланган бўлиб, илмий лексиконга Аллен Даллес томонидан киритилган. Аста секин бу ибора оммалашиб бориб, 1985 йилда Хитойда, 1995 йиллардан Россияда кенг қўлланила бошланган.

С.Н.Гриняевнинг фикрига кўра ахборот хуружи, бу рақиб саналган томоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларида қабул қилинган установкалар, кадриятлар ва идентиклигига салбий таъсир кўрсатиш, ижтимоий фикр ва жамоатчилик онгини йўналтиришга қаратилган урунишдир (С.Н. Гриняев, 2004). Ахборот таҳдидларининг асосий воситачилари сифатида ижтимоий тармоқлар бирламчи ўринга чиқади. Чунки оммавий ахборот воситалари ва расмий фаолият олиб бораётган сайтларда расмий ахборот бўлганлиги сабаб, кибермакондаги мобил мессенжерларда фаол ахборот алмашинувининг жадаллашаётгани кузатилмоқда.

Масалан, Интернет тармоғида тарқатилаётган ахборотлар ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан фаоллигини сусайтириш билан бир қаторда уларнинг маънавий тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Зеро, ёшларнинг маълум бир қисми интернетдан миллий одоб-ахлоқ меъёрларига зид бўлган, оила кадриятларига путур етказадиган ахборотларга буткул ишониб, жамият қоидаларига зид бўлган


хатти-ҳаракатлар содир этиш ва худбин ҳаёт тарзига мойил бўлиб боради. Уларга шахсий манфаатларни ҳар нарсадан устун қўйиш эгоцентризм, безорилик, жамият анъаналарига зид равишдаги ғоялар, сабабсиз депрессияга тушиш, норозилик кайфиятининг асоссиз кучайиши ва бошқа зарарли иллатларни ҳам мисол келтириш мумкин.

Шу сабабли, виртуал коммуникациянинг аксарияти, ижтимоий тармоқларга трансформацион жараёнда кечаётганлиги, жинс ва ёш танламаётганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон ёшларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси, уларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантиришдаги долзарб муаммоларни ўрганиш юзасидан ўтказилган тадқиқот доирасида Республиканинг барча ҳудудларидан 1200 та ёшлар қамраб олинди ва уларнинг фикрлари хилма-хиллигини таъминлаш мақсадида гендер тенглиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, тадқиқот хулосалари респондентларнинг аксарияти ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни нафақат оммавий ахборот, ишлаб чиқариш, жумладан, таълим тизимида ҳам ўз ўрни ва мавқега эга экани ва айниқса ёшларнинг интернетдан фойдаланиши фавқулодда даражада ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Масалан, сўров натижаларидан мобил алоқа хизмати мамлакатда анча арзон бўлгани учун ёшлар бундан кўпинча Интернет орқали ўзаро мулоқот мақсадида фойдаланишини кўрсатди.

Респондентларнинг ёш кесимидаги таҳлили




Тадқиқот натижаларига кўра, ёшларнинг асосан қандай ахборот манбаларидан фойдаланиши, қайси турдаги маълумотларга эҳтиёж мавжудлиги, Интернетдан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари ва уларнинг ижтимоий-психологик таъсири аниқланди.

Бугунги кунда замонавий ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиш тенденцияси ахборот тизимини кенгайтириб, ўрганиш натижаларига кўра, ҳозирда ёшлар томонидан асосий

ахборотлар Интернет орқали излаб, қабул қилиниши 60 фоизни ташкил қилаётгани маълум бўлди (лойиҳа маълумотлари).

Ёшларнинг ахборот ва маълумотларни турли манбаалар орқали олиши



Юқорида келтирилган ижтимоий тармоқлардаги контент таҳлили шуни кўрсатдики, таълимга оид ахборотларга мурожаат 26%, ижтимоий-сиёсий жараёнларга оид маълумотларга қизиқиш 25%, спорт соҳасига оид 16%, маънавий-ахлоқий, тарбиявий масалаларга доир 11%, ҳуқуқий 8%, кўнгилочар маълумотлар 8% ҳамда диний масалалар 5 фоизни ташкил қилди. (лойиҳа маълумотлари). Мазкур ҳолат шундан далолат берадики, ёшлар ахборот тизимидан кундалик ҳаётда кузатилаётган муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида маълумотларни кўпроқ изласа, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий мазмундаги ахборотларга нисбатан камроқ мурожаат қилмоқда.

Бу вазиятнинг сабаблари ёшлар билан оила, таълим муассасаси ва бошқа ҳолатларда муайян даражадаги маънавий-ахлоқий ишлар олиб борилиши, ҳуқуқий йўналишда эса, маълумотларни етказишнинг янгича тизими мавжуд эмаслиги билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ахборот технологиялари инсонларни фикрлаш тарзи, онг индустриаллашувининг асосий мезони сифатида намоён бўлаётганини, ёш авлоднинг жамиятдаги ўзгаришларга бўлган муносабатларини ҳам тубдан ўзгартириш хусусиятига эга эканини инобатга олиб, “Интернет маданияти” каби мавзуларда ҳамда интернетдан унумли фойдаланиш ва ахборот имунинетини шакллантиришга қаратилган услубий тавсиялар бериш самарали натижа беради. Шунингдек, “Интернет гигиенасига” доир семинар-тренинглари ташкиллаштириш ва шу мавзуга доир мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланиш чора-тадбирлар белгилаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса, ёшларнинг интернетдан эрмак учун эмас, балки самарали фойдаланиш кўникмаларини шаклланишига хизмат қилади. Шунингдек, замонавий ахборот технологиялари фикрлаш тарзига бевосита таъсир қилишини инобатга олиб, тегишли

давлат ташкилотлари томонидан ёшлар онгини зарарли ахборотлардан асраш, уларда ҳаққоний ва ноҳолис ахборотларни фарқлай билиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган амалий дастурлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Шу билан бирга ота-оналар иштирокида “Ижтимоий тармоқда болалар хавфсизлиги” каби мавзуларда машғулотлар, баҳс-мунозаралар ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. “Нима сабабдан баъзи ахборотлар болаларнинг соғлиғи ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин?”, “Фарзандингизни Интернетга тобе бўлиб қолишига йўл қўйманг!” “Фарзандингизни ижтимоий тармоқларнинг зарарли таъсиридан асранг!” каби мавзуларда ота-оналар учун рисоалар тайёрлаш ва тарқатиш, телекўрсатув ва ток-шоулар ташкил этиш зарурати мавжуд.

Шу ўринда, алоҳида қайд этиш зарурки, ота-оналар ўз фарзандлари тарбиясига ўта масъулиятли бўлиши баробарида уларнинг Интернет ва мобил алоқа воситаларидан фойдаланишларини назорат қилишда мактаб ва жамоатчиликнинг ҳам тутган ўрнига алоҳида аҳамият бериш тақозо этилмоқда.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES :

1. Ozbekiston Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning Ozbekiston Respublikasi mustaqilligining 26 yilligiga bagishlangan tantanali marosimdagi nutqi. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respubl-31-08-2017>.
2. A.B.Sokolov. Informatsionnoe obshestvo v virtualnoy I sisialnoy realnosti. Sankt-Piterburg.2011.S.335-336.
3. M.B.Xaritonov. Psixologiya sovremennih massovih kommunikasiy. Sankt-Peterburg.2010.C.27.
4. M.B.Xaritonov. Psixologiya sovremennih massovih kommunikasiy. Sankt-Peterburg.2010. S.35-38.
5. I.A.Kazanskaya. Sotsialniye funktsii internet tehnologiy. Avtoref. diss.kand.filosov.nauk.2011.
6. O.N. Pishuriy.Televidenie I internet kak sredstva politicheskoy manipulasii. Avtoref. diss.kand.polit.nauk.2009.
7. W.Chwartau. An introduction to information warfare // War in the information age: new challenges for US security policy. Washington etc., 1997. P. 49.
8. S.N.Grinaev.Pole bitvi kiberprostranstvo, teoriya priyomi, metodi I sistemi vedeniya informatsionnoy voyni. Xarvest, 2004. 448 s.
9. “Oila” ilmiy-amaliy tadqiqot markazining “Xotin-qizlar va yoshlarni salbiy illatlardan profilaktikasi masalalari” loyhasi ma’lumotlari.
10. DBA xuzuridagi “Yoshlar muammolarini o’rganish va istiqbolli kadrlar tayorlash instituti” “Yoshlarni AKTdan foydalanish darajasi va ularda axborot iste’moli madaniyatini shakllantirish muammolari” loyhasi malumotlari.